

Ош мусобақасида

2018 йил 2 март куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида “Гидромелиорация факультети” 1-босқич талабаси Охун Аманов ташаббуси билан ўғил болалар ўртасида “Ош пишириш” мусобақаси “Гидромелиорация” факультети маънавий ишлари бўйича декан муовини Хайрулла Тўйчиев, 4-сонли талабалар турар жойи мудираси Дилфуза Аминова ҳамда тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротовлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Ош мусобақасини баҳолаш учун ҳакамлар ҳайъати аъзолари - Маънавий ва маърифий ишлари бўйича проректор Қодиржон Шавазов, талабалар турар жойи директори Зокир Юлиев, Магистратура бўлими бошлиғи Асрор Янгиев, “Гидромелиорация” факультети декани Алишер Фатхуллаев, “Иқтисодиёт ва менежмент” факультети декани Олим Кучаров, “Гидротехника қурилиши” факультети декани Бахриддин Хасанов, “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети декани Зариф Муқимов, “Гидромелиоратив ишларини механизациялаш” факультети декани Бегмат Норов, “Қишлоқ сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” факультети декани Акбар Гаппаров, Институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси Акмал Бердимуродов, “Гидромелиорация” факультети барча декан ўринбосарлари, кафедра мудирлари, ўқитувчилари қатнашишди.



Ош мусобақасида яқиндан ёрдам берган “Гидромелиорация” факультети ёшлар етакчиси Сардор Вапаев, Улуғбек Манзирбоев, Шахзод Эгамов, Нурбек Камоловларга миннатдорчилик билдирамиз.

Мусобақа ғолибларига институт ректори томонидан 1-2-3-даражали диплом, фахрий ёрлик, ҳамда қимматбаҳо совғаларни маънавий ва маърифий ишлари бўйича проректори Қодиржон Ачилович Шавазов топширди.

4 -ТТЖ тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов